

«06» декабрь 2021 йил
№11/ 4265

АТБ “Универсал банк”
акциядорларига

**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ “УНИВЕРСАЛ БАНК” АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ХАБАР**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Банк Уставига асосан Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган (электрон почта манзили - info@universalbank.uz.) **Акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк” Сизга 2021 йил 29 декабрь куни соат 12-00 да Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар беради.**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун банк акциядорлари реестри 2021 йил 6 декабрь ҳолатига тузилган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга банк акциядорлари реестри 2021 йил 23 декабрь ҳолатига тузилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Банк Кузатув кенгаши таркибини сайлаш.
3. Эълон қилинган акциялар сонини ошириш.
4. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш.
5. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Йиғилиш қатнашчилари 2021 йил 29 декабрь куни соат 11-00 дан 11-55 гача рўйхатга олинади. Акциядорлар ҳамда уларнинг вакиллари йиғилишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида қатнашади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар билан Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида танишишингиз мумкин. Маълумот учун Банкнинг Ҳазначилик департаментига мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат учун телефон: (+99878) 229 – 82 – 29, ички рақам 1073.

Ҳурмат билан,

Бошқарув Раиси



З.Тўракулов